QMMB: 10/22/2675-3/0026-son
14.01.2022-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO‘YXATIDAN O‘TKAZILDI
RO‘YXAT RAQAMI: 2675-3
2022 - yil 14 - yanvar

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
# ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги ПҚ–5102-сон “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54 ва 01-02/5-20-сон қарори (рўйхат рақами 2675, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 264-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири** **Т. Ишметов**

Тошкент ш.
2021 йил 29 декабрь,
81 сон

QMMB: 10/22/2675-3/0026-son
14.01.2022-y.

| | |
|---|---|
| **Мудофаа вазири**<br>Тошкент ш.<br>2021 йил 22 декабрь,<br>44 сон | **Б.Курбанов** |
| **Ички ишлар вазири**<br>Тошкент ш.<br>2021 йил 21 декабрь,<br>78-қк-сон | **Бобожонов П.Р.** |
| **Давлат божхона қўмитаси раиси**<br>Тошкент ш.<br>2021 йил 24 декабрь,<br>01-02/5-57 сон | **Mavlonov A. Y.** |
| **Фавқулодда вазиятлар вазири**<br>Тошкент ш.<br>2021 йил 23 декабрь,<br>23 сон | **Xudaybergenov T. A.** |
| **Ўзбекистон Республикаси ДХХ Раиси**<br>Тошкент ш.<br>2021 йил 25 декабрь,<br>28 сон | **Azizov A. A.** |

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги
81-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил
21 декабрдаги 78-ққ-сон,
Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги
44-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг
2021 йил 23 декабрдаги 23-сон,
Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил
25 декабрдаги 28-сон ва Давлат божхона
қўмитасининг 2021 йил 24 декабрдаги
01-02/5-57-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддаги “фармонларига” деган сўз “фармонлари ва қарорларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 17-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 18-банддаги “Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари” деган сўзлар “Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.